

**"ТАСДИҚЛАНГАН"  
“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ  
Кузатув кенгашининг  
2022 йил 3 майдаги 5-сонли  
қарори билан**

**“HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI” АЖ КУЗАТУВ  
КЕНГАШИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА  
ЭТИКА ҚҮМИТАСИ ТҮГРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**Тошкент – 2022й.**

## **I. Үмумий қоидалар**

1.1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисидаги”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, “Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига ва “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгashi тўғрисида”ги низомига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият Кузатув кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) Жамият фаолиятининг корпоратив комплаенс тизимини жорий этишни хамда унинг вазифа ва функцияларини белгилаш учун Жамият Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш мақсадида тузилган.

1.3. Қўмита Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларида ҳаракат қиласи, шу жумладан, Жамият фаолиятида Коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва унинг фаолиятини мониторинг килишга қўмаклашади.

1.4. Қўмита Кузатув кенгашига ҳисобдор ва Низомга мувофиқ Жамият Кузатув кенгashi томонидан берилган ваколатлар доирасида фаолият юритади.

1.5. Ўз фаолияти давомида Қўмита Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ кузатув кенгashi тўғрисида”ги низом, Жамият Кузатув кенгаши қарорлари, ушбу Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига амал қиласи.

1.6. Қўмитани молиялаштириш Кузатув кенгashi билан келишилган ҳолда Жамият маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Молиялаштириш бюджети Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади.

## **II. Қўмита мақсади ва вазифалари**

2.1. Қўмитанинг мақсадлари қуйидагилар хисобланади:

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш буйича ISO 37001:2016 халқаро стандарти талаблариiga жавоб берувчи комплаенс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

коррупциявий холатларни барвақт аниқлаш хамда уларнинг сабаб ва шарт- шароитларини бартараф этиш ва коррупциявий хатти-харакатлар содир этилишининг олдини олиш;

Жамият ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг хуқуқий онги ва маданиятини ошириш;

кадрлар сиёсати, бизнес ва ишлаб чиқаришни ракамлаштириш, молия ва иқтисод, харид ва таъминот тизими, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, сифат, маркетинг, савдо ва сервис ҳамда қўриқлаш тизимларидаги рискларни баҳолаш ва ушбу йуналишдаги муаммоларни бартараф этиш чораларини қўриш.

2.2. Қўйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамият микёсида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини назорат килиш;

харидлар ва таъминот тизимида юзага келадиган хавфларни олдини олиш;

маҳаллийлаштириш даражасини ўрганиб, лойихаларни ўз вақтида бажарилишини мониторинг қилиш;

ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини оширилишини мониторинг қилиш;

молиявий-иктисодий соҳалардаги хавфларни олдини олиш;

маркетинг, савдо ва сервис сиёсатини мониторинг қилиш;

кадрлар сиёсатини мониторинг қилиш;

бизнес ва ишлаб чиқаришни рақамлаштириш (IT) жараёнларини мониторинг қилиш;

тизим корхоналари фаолиятига доир бошқа йўналишлар бўйича профилактик ишлар устидан мониторинг қилиш.

### **III. Қўмита ваколатлари**

3.1 Қўмита ўзига юқлатилган вазифалар ва амалга оширадиган функцияларига мувофиқ қўйидаги ваколатларга эга:

Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг мансабдор шахсларидан коррупцияга қарши олган мажбуриятларни бажариш учун зарур ёрдам, ахборот, маълумотлар, шартномалар, молиявий хисботлар, материаллар ва бошқа хужжатларни белгиланган тартибда сўраб олиш, улардан холатга ойдинлик киритиш мақсадида тушунтиришлар талаб қилиш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари худудлари, хизмат ва ишлаб чиқариш хоналарига тўсиқсиз кириш, уларнинг фаолиятига доир хар қандай ахборот ва маълумотлар, электрон, архив базасидаги маълумотлардан тўсиқсиз ва тўлиқ фойдаланиш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида қонунбузилиш холатлари юзасидан олинган маълумотлар асосида тегишли тармоқ мутахассисларни жалб қилиб, ўрганишлар ва текширишлар ўтказиш бўйича топшириклар бериш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида комплаенсга доир масалалар

буйича раҳбар ва ходимлар иштирокида учрашувлар ўтказиш;

Жамиятда иш режалар, йўл хариталар ва лойихаларда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида бажарилмаган холларда айбор шахсларни интизомий ва бошка турдаги жазога тортиш юзасидан Кузатув кенгашга таклиф киритиш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида қонунбузишлишларга йўл қўйилганлиги ва бошқа холатлар аниқланган тақдирда, хизмат текшируви ўтказиш, натижалари буйича конунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш буйича корхона раҳбариға таклифлар киритиш;

Жамият кузатув кенгашига коррупцияга карши курашиш тизимини такомиллаштириш буйича таклифлар киритиш.

## **V. Қўмита таркиби ва уни шакллантириш тартиби**

5.1. Қўмитанинг микдорий таркиби – З та аъзодан иборат бўлиб, уларнинг камида биттаси, қоида тариқасида Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси ҳисобланади.

5.2. Қўмитанинг шахсий таркиби жамият Кузатув кенгashi томонидан ўз таркибидан сайланади. Қўмита аъзоларини сайлашда уларнинг олган таълими, касбий тайёргарлиги, Қўмита фаолияти соҳасидаги тажрибаси ва Қўмита аъзолари ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган бошқа маҳсус билимлари эътиборга олиниши лозим. Қўмита аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарор жамият Кузатув Кенгashi аъзоларининг умумий сонининг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.3. Қўмита аъзолари чекланмаган маротаба сайланиши мумкин.

5.4. Қўмита аъзоларининг ваколат муддатлари Кузатув кенгashi аъзолари сифатида ўз ваколатлари муддатларига тўғри келади. Қўмита аъзоларининг ваколатлари Кузатув кенгashi янги таркибда сайланган кундан бошлаб тўхтатилади. Қўмитанинг ҳар қандай аъзосининг (барча аъзоларининг) ваколатлари Кузатув кенгashi қарори билан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Қўмита таркибидаги ўзгаришлар Кузатув кенгashi томонидан исталган вақтда амалга оширилиши мумкин.

5.5. Қўмита аъзолари Кузатув Кенгashi раиси номига ариза ва бир вақтнинг ўзида Қўмита раисига билдиришнома юбориш орқали ўз ваколатларидан истеъфога чиқиши мумкин.

5.6. Қўмита аъзосининг ваколатлари ўз хоҳишига кўра истеъфога чиққан бўлса, Жамият Кузатув кенгashi кейинги йиғилишида, лекин Қўмита аъзосини ўз ваколатларидан истеъфога чиқиши тўғрисида ариза берган санадан 1 (бир)

ойдан кечиктиirmай, Кўмитанинг янги аъзоси сайланади, бунга қадар Кўмита аъзоси ўз вазифаларини тўлиқ бажаришда давом этади.

5.7. Кўмита аъзосининг ваколатлари Кузатув кенгаши томонидан бекор қилинса, ваколатлар бекор қилинганидан сўнг бир ой ичida Кўмитанинг янги аъзоси сайланади.

5.8. Кўмитанинг янги яъзоси сайланганидан сўнг, Кўмита раиси 1 (хафта) ичida Кўмитасининг янги аъзоси билан учрашади ва уни Кўмита ваколатлари ва ишлари билан таништиради.

5.9. Кўмита аъзоларига Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган, ҳамда Жамият акциядорлари умумий йиғилишида маъқулланган микдор ва тартибларда ҳақ тўланади ва / ёки ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

5.10. Кўмита раиси Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади ва Кўмита ишини ташкил этади.

5.11. Кўмита раиси:

- Кўмита фаолиятини ташкиллаштиради;
- Кўмита йиғилишларини чақиради ва уларга раислик қилади;
- Кўмита аъзолари ўртасида бурчларни тақсимлайди;
- Кузатув кенгаши мажлислари режасини ҳисобга олган ҳолда жорий давр учун иш режасини ишлаб чиқади;
- Кўмита мажлисларини чақиради, уларга раислик қилади ва йиғилиш баённомасини юритишни ташкил этади;
- Кўмита фаолияти тўғрисида Кузатув кенгаши олдида ҳисбот беради;
- Жамиятнинг ички хужжатлари ва ушбу Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

5.12. Кўмита раиси Кўмита тавсияларини ўз вақтида Кузатув кенгаши аъзолари эътиборига етказиш, шунингдек, берилган тавсиялар бажарилиши устидан мониторингини олиб боришга жавобгардир.

5.13. Кўмита раиси вақтинча йўқ бўлганда унинг вазифалари Кўмита аъзоларидан бири томонидан амалга оширилади.

5.14. Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизмати бошлиғи Кўмита котиби ҳисобланади.

5.15. Кўмита котиби:

- Кўмитанинг йиғилиши баённомаларини юритади ва тузади;
- Кўмита йиғилишларига тайёргарликни (йиғилиш учун материалларни ийғади ва тизимлаштиради, Кўмита аъзолари ва таклиф этилган шахсларга Кўмита йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарномани ўз вақтида юборади, йиғидиши кун тартибини, кун тартибига кирувчи масалалар бўйича маълумотларни тайёрлайди, Кўмита қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, шунингдек барча тегишли материаллар сақланишини таъминлайди) амалга оширади;
- Кўмита фаолиятини ташкилий ва ахборот билан қўллаб-куватлашни, Кўмита аъзоларининг Кузатув кенгаши ва Жамият мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорлиги ва тезкор ишлашини таъминлайди.

## **VI. Кўмита мажлисларини ўтказиш шартлари ва тартиби**

6.1. Кўмита мажлислари Кўмита томонидан тасдиқланган режага мувофиқ, лекин Кўмита аъзоларининг ваколат муддати давомида камида 4 (тўрт) та йиғилиш ўтказилади. Кўшимча йиғилишлар керак бўлганда чақирилиши мумкин.

6.2. Кўмита мажлислари Кўмита аъзоларининг биргаликда иштирок этиши ёки сиртқи овоз бериш шаклида ўтказилади. Кўмита фақат Кўмита аъзоларининг биргаликдаги иштироки шаклида кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар рўйхатини тасдиқлаши мумкин. Ушбу қарор Кўмитанинг барча амалдаги аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

6.3. Кўмита йиғилишлари Кўмита раиси томонидан унинг ташаббуси билан, Кўмита аъзосининг талабига биноан ёки Жамият Кузатув кенгаши қарори билан чақирилади. Кўмита раиси билан келишилган ҳолда Кўмита котиби Жамият Бошқарув аъзолари илтимосига биноан Кўмита йиғилишини чақириши мумкин. Кўмитанинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш талаби бўлган тақдирда, Кўмита раиси 5 (беш) иш куни мобайнида Кўмитанинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириши шарт.

Кўмита йиғилиши йиғилишда иштирок этувчи барча аъзолар томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

6.4. Кўмита йиғилишларига тайёргарлик Кўмита раиси назорати остида Кўмита котиби томонидан амалга оширилади. Кўмита котиби Кўмита аъзолари зарур маълумотларни олишларини таъминлайди ва Кўмитанинг барча аъзоларига йиғилиш вақти ва жойини, шунингдек кун тартибидаги ҳар бир масала учун барча зарур материалларни илова қилган ҳолда йиғилиш кунидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки хабарномани

юборади. Хабарнома Кўмита аъзолари учун қулай бўлган ҳар қандай шаклда амалга оширилади: телефон, факс, одатий ёки электрон почта орқали.

6.5. Кўмита йиғилишининг кворуми унинг миқдорий таркибининг 2/3 кисмини ташкил этади.

6.6. Масалаларни ҳал қилишда Кўмитанинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Кўмита аъзоси томонидан бошқа шахсларга, шу жумладан Кўмитанинг бошқа аъзоларига овоз бериш ҳуқуқини берилишига йўл қўйилмайди.

Кўмитанинг қарорлари йиғилишда иштирок этувчи аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Низомда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Кўмита қарори қўмита мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённомалар баённомаларни рўйхатга олиш журналида рўйхатга олинади. Кўмита мажлисининг баённомалари расмий хужжат ҳисобланади ва Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизматида сақланади.

6.7. Кўмита аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, йиғилишда раислик қилувчи Кўмита аъзосининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

6.8. Кўмита аъзоси йиғилишда иштирок эта олмаса, у муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини ёзма шаклда ёки жамиятда умумэътироф этилган электрон хужжат айланиш тизими орқали юбориш ҳуқуқига эга. Мазкур фикр Кўмита йиғилишида қўриб чиқилади ва йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилади.

6.9. Кўмита томонидан қўриб чиқилаётган масалаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Кўмита аъзоси бўлмаган шахслар Кўмита мажлислида фақат Кўмита қарори билан ёки унинг раиси таклифига биноан штирок этади.

Кўмита йиғилишларида Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқаруви аъзолари ва бошқа мансабдор шахслари (ходимлари) иштирок этиши мумкин. Зарурат бўлса, Кўмитанинг ишига учинчи томон мутахассислари ва маслаҳатчилари вақтинчалик ёки доимий равища жалб қилиниши мумкин.

Таклиф этилган шахслар Кўмита ваколати масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда Кўмита йиғилишининг кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

## **VII. Жамият органлари ва бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорлик**

7.1. Кўмита аъзолари ишини самарали ташкил қилиш учун зарур

маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак, бунинг учун, Жамият ижроия органлари аъзолари, Жамият Кузатув кенгаши котиби, Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек Жамиятнинг бошқа ходимлари, Қўмита илтимосига кўра, тегишли вақт ичида ва тартибда Қўмита фаолияти бўйича тўлиқ ва ишончли маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги сўров Қўмита раиси томонидан имзоланган ёзма шаклда амалга оширилади.

Сўралган маълумотлар ва ҳужжатлар Қўмита котиби орқали Қўмитага тақдим этилади.

7.2. Зарур ҳолларда Қўмита фаолияти субъектининг айrim масалаларини кўриб чиқиш учун Қўмита ишига зарур касбий билимга эга бўлган мутахассислар ва эксперtlар жалб этилиши мумкин. Қўмита ишига эксперт ва мутахассисларни жалб этиш тартиби ва шартлари Жамиятнинг бундай шахслар билан тузган шартномасида белгилаб қўйилади.

### **VIII. Маълумотларнинг маҳфийлиги**

8.1. Қўмита аъзолари ва котиби Қўмита фаолияти давомида уларга маълум бўлган инсайдер ва бошқа маҳфий маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас ва уларни ошкор этилиши бўйича шахсан жавобгар бўлади. Жамият инсайдери ёки жамият олдида маҳфийлик мажбуриятлари билан боғлик бўлмаган Қўмита йиғилишларида иштирок этадиган учинчи шахслар олдиндан Жамият билан инсайдерлик ва бошқа маҳфий маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисидаги битимни имзолашлари шарт.

### **IX. Яқуний қоидалар**

9.1. Ушбу Низом жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

9.2. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган барча қўшимча ва ўзгартишлар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади.

9.3. Агар ушбу Низомдаги қоидаларидан бири ўз қучини йўқотган бўлса, бу Низомдаги бошқа қоидаларни тўхтатишга сабаб бўлмайди.

9.4. Ушбу Низомда тартибга солинмаган барча масалалар Жамият Устави, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички қоидалари ва амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

9.5. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Жамият устави билан ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият устави қоидалари қўлланилади.